

---

Туман ҳокими мактабгача таълим ташкилотлари фаолиятига алоҳида эътибор қаратмоқда

Бугун Тошлоқ тумани ҳокими Абдуқаҳҳор Джурабаев кунлик иш режасига мувофиқ Шодлик маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган 15-ихтисослашган мактабгача таълим муассасасида бўлди. Туман мактабгача таълим бўлими мудираси Н.Эминова ва МТМ раҳбари ҳамроҳлигида боғча тарбияланувчилари ҳамда тарбиячилар учун яратилган шароитлар ўрганилди.

Ёшларга таълим-тарбия бериш жараёнлари ва улар учун ажратилаётган озиқ-овқат маҳсулотларинин сифатига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. А.Джурабаев мактабгача таълим муассасасида ташкилланган тўгараклар ва тадбирда ҳам иштирок этди. Туман ҳокими болажонлар билан дилдан суҳбатлашиб, келажакда юртга содиқ, фидойи фарзанд бўлиб камол топишларини тилади.

Туман раҳбари соҳа мутахассисларига ёш авлодни баркамол ва етук кадрлар бўлиб вояга етишишлари учун яратилган имкониятлардан унумли фойдаланиш, машғулотларни сифатли ўтиш бўйича кўрсатмалар берди.

*Тошлоқ тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати*

2021-06-25 17:48:02